

“Тасдиқлайман”  
“Қашқадарё сув таъминоти”  
МЧЖ бош муҳандиси  
Т.Якубов  
“ 5 ” / 11 / 2022 йил.

**ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШОТИ ҚУРИЛИШИ**

**ТЕХНИК ШАРТ № 293**

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.  
**Иншоотнинг номи:** Чирокчи туман “Бешбулоқ” маҳалласи ҳудудида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.  
**Манзили:** Чирокчи туман “Бешбулоқ” маҳалласи.

**I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.**

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Бешбулоқ” маҳалласи ҳудудида гидрогеологлар ҳулосасига асосан артезиан кудук қазиш ва тўлиқ жихозлаш, сув минораси ва ТП ўрнатиш, бактерицид биноси қуриш ва жихозлаш, кудук атрофини санитар химоя зонаси билан ўраш ва ичимлик сув тармоқлар тортиш лойиҳада аниқлансин.
2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.
3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага қузатув кудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.
4. Иншоотнинг чиқиш қисмига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).

**II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.**

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.
2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини саклаш шарт.
3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.
4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.
5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.  
Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Чирокчи туман сув таъминоти филиалининг техник ҳулосаси.

**ИЧТБ бошлиғи**

**К.Қўйбоқоров**